КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

ТАЖРИБА: Қишлоқ ҳақиқати — ЎРГАН, ҚЎЛЛАН, КЕНГ ЁЙ!

# ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## БАХМАЛ РАЙОНИДАГИ «БАХМАЛ» ТАЖРИБА-НАМУНА СОВХОЗИДА БИР ЦЕНТНЕР ГЎШТ ЕТИШТИРИШГА 84 СЎМ 47 ТИЙИН ЎРНИГА 48 СЎМ 56 ТИЙИН САРФЛАНМОҚДА

**Хўжалик чорвадорлари КПСС XXVII съездининг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш юзасидан қарорларини изчил бажара бориб, қишловни уюшқоқлик билан ўтказиб, гўшт ва бошқа хил чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда харид қилиш ҳажмини йил сайин оширишни таъминлашмоқда. Масалан, 1987 йилда давлатга 592 тонна, белгиланганидан 22 тонна кўп гўшт ҳадя этилди. Топшириқ 104 процент бажарилди. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 355 килограмм ўрнига 405 килограмм, қўйларнинг ҳар қайсиси 42 килограмм ўрнига 53 килограмм тош босди. Бир центнер гўшт етиштиришга 48 сўм 56 тийин ёки 35 сўм 91 тийин кам сарфланди. Бунинг эвазига 1 миллион 486,1 минг сўм даромад олинди. Соф фойда 300 минг сўмни ташкил қилди. Рентабеллик эса 18 процент ўсди.**

**Ана шу ютуққа қандай омиллар ҳисобига эришилмоқда? Совхоз директори, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳиби, район партия комитети аъзоси, район Совети депутати Абдувоҳид Усанов лўнда қилиб бундай жавоб берди:**

**— Моллар зоти ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, ем-хашакдан оқилона фойдаланиш, жониворларни семиртириш учун кураш, интенсив технологияларни, хўжалик ҳисобини, коллектив ва оилавий пудратни, меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг бошқа илғор усулларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш муваффақиятлар гарови бўлаётир.**

**«Сизларнинг ишга муносабатингиз, юксак даражада уюшқоқлилигингиз ва интизомлилигингиз, ишга ижодий ёндашишга ҳаракат қилишингиз, илғор тажрибадан фойдалана олишингиз, интенсив методларни қўллана билишингиз — буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий резервларидир».**

(КПСС Марказий Комитетининг чорвачилик ходимларига, колхозлар ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда раҳбарларига, бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, агросаноат комплексининг барча меҳнат коллективларига мурожаатидан).







**— Ҳар қандай ишнинг муваффақияти энг аввало куч-ғайратга боғлиқ. Бизнинг ҳар биримиз ўз иш жойимизда шижоат билан, ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиб, қанчалик самарали меҳнат қилсак, қайта қуриш ютуқлари шунчалик салмоқли бўлади, — дейди совхоз директори Абдувоҳид Усанов.**

**У ўз иш фаолиятида ана шунга амал қилади, бошқаларни ҳам ўргатмоқда. Натижада хўжаликда моллар маҳсулдорлиги йил сайин кўпайиб, план зиёдаси билан удаланмоқда. Социал, маданий-маиший масалалар муваффақиятли ҳал этилаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Совхоз директори, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳиби, район партия комитетининг аъзоси, район Совети депутати Абдувоҳид Усанов. 2. СССР Давлат мукофоти лауреати, бош молбоқар Неъмат Назаров. 3. АҚШдан келтирилган «Санта гер труда» зотли қорамолларнинг учинчи авлоди.**

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

## «САНТА ГЕР ТРУДА»НИНГ САЛТАНАТИ

Мазкур совхоз 1964 йилда ташкил этилган. Ўшанда 2.600 бош қорамол, 520 бош қўй, 261 бош йилқи бўлиб, давлатга бор-йўғи 150 тонна гўшт ва 5 минг килограмм жун етказиб бериларди. Даромад ҳам шунга яраша: атиги 350 минг сўм эди.

Бу кўрсаткич айниқса гўшт йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослаштирилган хўжаликни қаноатлантира олмаслиги ҳаммага маълум. Шу боисдан маъмурият, партия ташкилоти, мутахассислар олдида биринчи навбатда ҳозиргиларидан анча устун турадиган зотларни яратиш вазифаси кўндаланг турарди. Уни рўёбга чиқаришда совхознинг республика чорвачилик илмий-тадқиқот институти тажриба базасига айлантирилгани айни муддао бўлди.

— Молларнинг бариси жайдари эмасми, ҳар бирининг тирик вазни ўртача 180—200 килограмм тош босарди, — деб ўтмишни хотирлайди Абдувоҳид Усанов. У қарийб 22 йилдан буён совхозга раҳбарлик қилмоқда. — Чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг ёш илмий ходими Убайдулла Носиров (ҳозир у мазкур илм даргоҳининг директори, фан доктори) Қозоғистон ССРдан «Оқбош» зотли дурагай новвос олиб келгач наслчилик ишига асос солинди. Бу ҳол тез орада ўз самарасини кўрсатди — маҳсулдорлик сифатида бирмунча силжиш рўй берди. 1967 йилда эса бизга толе яна кулиб боқди: сентябрь ойининг бошида кутилмаганда наслчилик иши бўйича икки бош зоотехник — СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг вакили (исм-шарифи ёдимда йўқ) ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигидан В. В. Кондрашин ташриф буюришди. «Келишимиздан мақсад шуки, — деди Виктор Васильевич, — биз яқин кунларда америкалик ҳамкасбларимиздан олтин баҳосида «Санта гер труда» зотли қорамоллар сотиб оламиз. Буларни Қорақалпоғистон АССРда жойлаштиришни мўлжалловдик, лекин шароит мақбул тушмади. Шу ерга олиб келсак қандай бўларкин?» Ҳолва дейиш билан оғиз чучимас деганларидек, меҳмонлар беш кун мобайнида яйловни, фермаларни кўздан кечиришди, иқлим шароитини ўрганишди, объектларни фотосуратга туширишди, мутахассислару молбоқарлар билан суҳбатлашишди. Қарангки, ўша кунлари ҳозирги марказий фермада янги молхона қурилиши, худди олдиндан келишилгандек, битай деб қолувди. Манзил маъқул бўлдими, улар икки оёқни бир этикка тираб олдилар: киройи жой, биринчи октябргача муддат берамиз — молхонанинг томини ёпиб, катакларга бўлиб пол ётқизасизлар, тез орада телеграмма жўнатамиз.

Кутилган тонг отгач, бош ветеринария врачи Ҳабибулло Зайтуллаев раҳбарлигида мутахассислар Ригага бориб, 69 бош ёш ғунажин, 11 бош буқача келтиришди. Ҳаммаси бамисоли бир онадан туғилгандай денг: қизил рангли, ёввойилигини ҳисобга олмаганда боқса бўладиган хилидан. Бунақасини молбоқарларимиз ҳатто тушларида кўришмаган.

Шундай қилиб, таъбир жоиз бўлса, «Санта гер труда»нинг салтанати бошланди. Унинг асосий хусусиятлари: биринчидан, қон касалига чидамли, иккинчидан — озуқа танламайди, учинчидан — кунлик семириши юқори, тўртинчидан — самара 55—60 процентни ташкил этади. Бошқача айтганда, янги туғилган бузоқ 40 килограмм бўлса, бир ярим ёшда 600 килограмм эт қўшилади. У атиги 18 ой бўрдоқига боқилиб гўштга топширилади.

Насл марказий ферманинг ўзида олинади, шу ерда парвариш қилинади. Бунинг учун лаборатория, ҳар бири 160 бош ғунажинга мўлжалланган 3 та, 140 бош бузоққа мўлжалланган битта, 8 ойдан 2 ёшгача бўлган 500 бош сўқим учун 2 та типовой молхона қурилган. Молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари тавсия этган технология асосида амалга оширилади. Бу уч босқичдан иборат: биринчиси, бузоқларни сут эмиш даврида ўстириш, иккинчиси — уларни 210 кун мобайнида алоҳида жойда боқиш, учинчи давр эса 145—150 кун интенсив семиртириш. Дастлабки босқич 140—180 кун давом этади. Бир ҳафта асносида жонивор ўғиз сутига тўйдирилади, сўнгра ёғи олинмаган сут билан боқилади. Яъни у онадан ажратилмайди, кунига уч маҳал эмади. Кейинроқ кунлик рационга беш килограмм пичан, 3 килограмм силос, бир килограмм омихта ем, икки килограмм лавлаги ва микроқўшилмалар киритилади. Бузоқлар алоҳида жойга кўчирилгач, колибактериоз ва паратиф касалига қарши эмланади. Уларга 55—60 кун мобайнида сунъий сут берилиб, айни пайтда кунига 7 озуқа бирлиги сарфланади. Учинчи босқичда ёки семиртириш даврида эса кунлик рацион 2 озуқа бирлиги миқдорида кўпайтирилади.

Ана шу юмушлар билан Неъмат Назаров бошлиқ бригада шуғулланади. Коллективнинг 10 нафар аъзоси бор. Ҳаммасининг ўз касбига ихлоси баланд, меҳнатсевар, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади. Масалан, бригада саркорини олайлик. Унинг шу ерда ишлаётганига 20 йилдан ошди. Ҳалол меҳнатлари эвазига СССР Давлат мукофоти лауреати, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» унвонларига сазовор бўлди, КПСС XXVII съездига делегат этиб сайланди. Исо Ёрлақабов, Шерқул Бекимов, Миркомил Шарипов, Жаҳон Маҳмудов, Ҳасан Раҳмонқулов, Исмоил Темиров, Ғани Умрзоқов каби молбоқарлар хусусида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Уларнинг ғайратлари туфайли ўтган йили ҳар сўқимнинг тирик вазни 500 килограммдан ортди, давлатга 400 тонна гўшт сотилди. Бўрдоқилар вазнига ҳар суткада ўртача 900—1000 грамм эт қўшилгани ҳолда бир центнер семиртиришга атиги 6,5—7 центнер озуқа бирлиги сарфланди. Бундан ташқари ҳар юз бош ғунажиндан 83 тадан, жами 275 та бузоқ олинди. Бу 1986 йилдагига нисбатан 42 бош кўп. Табиийки, пировард натижа ҳам шунга яраша: бригада аъзоларининг ҳаммаси йил охирида иш ҳақига қўшимча мўмай даромад олди.

— Бўрдоқиларнинг тез семириши учун технология интизомига қатъий риоя қилиш, рационнинг тўйимли бўлишини кузатиш, ўз вақтида озиқлантириш, суғориш, ветеринария назоратидан ўтказиш ғоят муҳим, — дейди Неъмат Назаров. — Бунда икир-чикир бўлмаслиги керак. Биз айни шу асосда иш юритиб, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ишлаб, сарфланган ҳар сўм, ҳар бир килограмм озуқа ҳисобига мумкин қадар кўпроқ қайтим олишга эришаяпмиз. Бунда пудратнинг роли айниқса катта бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида «Санта гер труда»дан ҳаммаси бўлиб 2.618 та, жумладан 1.264 урғочи, 1.354 эркак бузоқ олинди. Унинг 516 боши республика хўжаликларига сотилди, 478 таси эса юқори семизликда гўштга топширилди.

1987 йил 1 декабргача совхозда 1. 100 бош насл қолганди. Шундан яна 994 таси сотилди. Бунинг эвазига 795 минг сўм фойда олинди. Муҳими, «Санта гер труда» хўжаликдаги жами қорамолларнинг 85 процентини наслдор бўлишини таъминлади.

## МОЛИ ТЎҚНИНГ ҚОРНИ ТЎҚ

Бугунги кунда совхозда қорамоллар сони 6.500 бошдан ошди, қўйлар 7.600, чўчқа 700, йилқи 374 бошга етди. Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон деганларидек, хўжаликда дағал, ширали озуқа ва бошқа хил ем-хашакни мўл жамғариш чоралари кўрилмоқда. Шуни айтиш керакки, мустаҳкам озуқа базаси яратиш учун имконият етарли. Қишлоқ хўжалигига яроқли 19.660 гектар, жумладан 7.274 гектар ҳайдаладиган майдон бор. Сўнгги йилларда 30 километрлик бетон ариқ бунёд этилиб, 590 гектар янги ер ўзлаштирилди. Озуқакорлар ўтган йили 250 гектар ўрнига 432 гектар майдонда силос учун маккажўхори, 986 гектарда лавлаги, 704 гектарда беда ўстиришганди. Якунда 9.155 тонна силос, 8.598 тонна ширали озуқа, 873 тонна пичан тайёрланди. Шунингдек 13.100 тонна дағал хашак, жумладан 1.433 тонна сенаж, 4.921 тонна сомон жамғарилди. Бу эса планда белгиланганидан анча зиёд.

Айни пайтда қишловга пухта тайёргарлик кўрилди. Маълумки, механизмларнинг пишиқ-пухта ишлаши, чорвадорларнинг маиший турмуши ва дам олишлари учун тегишли шароитлар яратиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши — маҳсулдорликни оширувчи, қорли-қировли кунлардан муваффақиятли ўтишни таъминловчи асосий омиллардан бири. Шу мақсадда чорвачилик бинолари, озуқа тайёрлайдиган цехлар, ем-хашак етказиб берадиган транспортёрлар, водопровод системаси, ферма ва отарларга хизмат қиладиган транспорт воситалари қишлов бошлангунга қадар шайлаб қўйилди. Чўпонлар, молбоқарлар, ем-хашак тайёрловчилар кийим-кечак, иссиқ овқат билан тўлиқ таъминландилар. Чорвадорлар уйида дам олиш, ухлаш хоналари, ошхона, ҳаммом мавжуд. Физиотерапия кабинети, кутубхона, телевизор, радиола ишлаб турибди. Кунига газета ва журналларнинг янги сонлари келтирилмоқда. Ҳаммасидан ҳам фермалар, отарларнинг теварак-атрофи файзли, озода.

Совхозда 5 та бўлим, 45 та отар бўлиб, улар ўртасида мусобақа намунали ташкил этилган. У ҳар 15 кунда якунланади. Ғолиблар ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантирилаётир. Бу тадбирлар чорвадорларнинг юқори унум билан меҳнат қилишларига кўмаклашмоқда. Қишлов эса маромида, талафотсиз ўтаяпти.

## ОНГНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

«Хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш, маълумки, онгни қайта қуришдан, фикрлашда ва амалда таркиб топган бир хилликдан воз кечишдан, янги вазифаларни равшан англаб олишдан бошланади. Бу эса аввало хўжалик кадрларимизнинг фаолиятига тааллуқли», — деб таъкидланди КПСС XXVII съезди материалларида. Маъмурият ва партия комитети (секретари А. Эргашев) бу йўл-йўриқларга риоя этиб, ишни аввало барча тармоқлар ва бўғинлар раҳбар кадрларининг онгини қайта қуришдан бошладилар. Бунинг учун иқтисодий ўқув ташкил этилди. Унинг машғулотларида бошқарувнинг иқтисодий усуллари, хўжалик ҳисобини юритиш, ҳисоб-китобни йўлга қўйиш, ҳар бир килограмм озуқанинг, ҳар тийиннинг сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Тўғри, ҳисоб юритиш, хўжалик ҳисоби, назорат аввалари ҳам мавжуд эди. Бироқ иқтисодчилару мутахассислар ўз ҳолича ҳаракат қилишар, чорвадорларнинг эса булар билан сариқ чақалик иши йўқ эди. Яъни, бошқарув аппарати билан бухгалтерия ходимлари чорвадорларнинг кенг оммасидан кўринмас девор орқали ажралиб қолишгандики, бу биринчи навбатда ана шу иккинчи тоифадагиларни хўжалик ишига жалб этишни, уларга ҳисоб-китобни ўргатишни, пировард натижадан манфаатдор бўлишликнинг моҳиятини тушунтириб беришни тақозо этарди. Шу боисдан бошқарувнинг маъмурий шаклидан, яъни буйруқбозликдан воз кечилиб, уларнинг ўрнини иқтисодий, социал-психологик ва демократик усуллар эгаллади. Натижада барча звеноларда ошкоралик учун шароит яратилди. Айни шу нарса айниқса қарорларни қабул қилишда, уларнинг ижросида ишчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олишда ёрқин намоён бўлди. Буларнинг ҳаммаси, биринчидан, чорвадорларнинг активлигини оширишга, умум ишига масъулият билан ёндашишга олиб келди, ҳар бир одамда хўжайинлик туйғусини қарор топтирди. Иккинчидан, бошқарув системасини такомиллаштиришга, барча тармоқлар ва бўғинлар кадрларини мустаҳкамлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Хусусан уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда одамларнинг сиёсий, ишчанлик фазилатлари, омилкорлиги, оммани эргаштира бориш қобилияти эътиборга олинди. Бунда муҳим жабҳалар: ем-хашак тайёрловчи бригадалар, звенолар, фермалар, бўрдоқичилик коллективлари, трактор ва автотранспорт парклари диққат марказида турди. Масалан, 1-бўлим бошқарувчиси ишда қолоқликка йўл қўйганлиги сабабли вазифасидан бўшатилиб, унинг ўрнига коммунист олий маълумотли мутахассис Бошбек Мадатов тайинланди. Кўпгина бригадаларнинг бошлиқлари ўзгартирилди. Шу билан бирга мутахассислар, ўрта бўғин кадрларини ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилди. Марказий қўрғонда эса механизаторлар курси очилди. Ҳозир унда 25 йигит касб маҳоратини эгалламоқда.

Қайта қуришнинг шарофати шу бўлдики, совхоз ишлаб чиқаришида миқдор ўрнига сифат ва самарадорлик, ўртамиёна кўрсаткичлар ўрнига пировард натижа биринчи ўринга чиқарилди. Мутахассислар, бригада бошлиқлари, ҳар бир ишчи қўлга қалам олиб, хўжаликнинг жамики фаолиятини таҳлил қилиб боришга одатланишди. Бунда уларнинг хўжалик ҳисобини мумкин қадар кенгроқ жорий этишга интилишлари сезиларди. Маъмурият буни атрофлича ўрганиб чиққач, коллектив ва оилавий пудрат аслида хўжалик ҳисобини қўлланишни, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашни талаб этиши аёнлашди.

Чиндан ҳам меҳнатни уюштириш ва унга ҳақ тўлашнинг синалган усули — пудрат дала ҳамда фермалар маҳсулдорлигини ошириб, таннархни арзонлаштирибгина қолмасдан, коллективларнинг хўжалик ҳисобига ўтишларини жадаллаштиришини ҳам тажрибанинг ўзи исботламоқда. Неъмат Назаров бошлиқ бригада совхозда биринчилардан бўлиб пудратга кўчганди. Меҳнат аҳлининг қандай натижаларга эришганлиги билан юқорида танишдингиз. Энди мана бу мисолга диққат қилинг: Исоқ Акрамов 5-бўлимда бош молбоқар; 1986 йилнинг октябрида 290 бош бўрдоқини қабул қилиб олди; 150 кун мобайнида энг илғор усулда жадал семиртирилганлиги туфайли ҳар сўқимнинг тирик вазни ўртача 465 килограммга етказилди; бўрдоқилар вазнига ҳар суткада ўртача 930 грамм эт қўшилди, бунинг эвазига И. Акрамовга ойига 225 сўмдан иш ҳақи тегди.

Қувондиқ Назаров ўғли билан қўйларни бўрдоқига боқишда донг таратган. У шартномага биноан 1.138 бош қўйнинг ҳар бирини 42 килограмм ўрнига 53 килограмм семиртирди. Натижада ота-бола 119 кунда 4 минг сўмдан зиёд даромад қилишди.

Ем-хашак етиштиришда ҳам пудрат муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, Ёқуб Раҳмонқулов 2-бўлимдан 7 гектар ер олиб, унинг ҳаммасига лавлаги уруғи қадади. Шартномага кўра гектар ҳисобига 250 центнер ҳосил етиштирилиши керак эди. Амалда бу кўрсаткич 334 центнерни ташкил этди. Унинг иш ҳақи ойига 380 сўмга баробар бўлди. Ҳурматой Бобомуродова бошлиқ оилавий звено 40 гектар майдонда силос учун маккажўхори ўстирди. Якунда ҳар гектар ердан 266 центнердан ёки белгиланганидан 41 центнер кўп озуқа тайёрланди. Даромад ҳам шунга яраша.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қувончлиси шундаки, ҳар бир пудратчи ўз куч-ғайратининг пировард мақсадини аниқ-равшан кўриб, меҳнати ва унга тўланадиган ҳақ ўртасида бевосита боғланиш борлигини тобора тушуниб етмоқда, оқибатда ишда кўп жиҳатдан ютилаётир. Бу эса совхознинг тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишини тезлаштирмоқда.

## ИНСОН ОМИЛИ — ЭНГ МУҲИМИ

Айтишларича, совхоз тузилган дастлабки йилларда бир одам ўзи сотиб олган янги «ГАЗ-21» автомашинасида Ўсматдан бу ерга роппа-роса икки соатда келган экан. Агар масофанинг 40 километрлиги ҳисобга олингудек бўлса, чўпчакнинг ўзгинаси дейсиз. Аслида ҳақиқат. Негаки, ўшанда йўлнинг тайини йўқ, марказий қўрғон ўрнида эса мўъжазгина қишлоқ мавжуд эди. Эндиликда жамики йўллар асфальтланган, совхоз маркази эса худди афсоналардаги шаҳарчани эслатади. Адоғи уфққа туташ адл кўчанинг икки четида мирзатераклар шовуллайди. Икки қаватли маъмурий бино, маданият ва истироҳат боғи, фарғонача услубда қурилган ҳаммом, универмаг, китоб ва хўжалик моллари магазинлари, мактаб, болалар боғчаси, турар-жойлар, стадион, ёзги клуб, поликлиника, алоқа бўлими — ҳамма-ҳаммаси унинг кўркига кўрк бағишлагандек. Бир ёнда Ойқор, иккинчи томонда Молгузар тоғи ана шу ўзгаришлардан азбаройи лолдек тош қотган. Қуйида Бахмалсой сахий қалбли, чегасидан тош чақнайдиган совхоз одамларининг орзу-умидларига ҳамоҳанг қўшиқ куйлаганча шарқираб оқмоқда. Унинг сарҳадигача олмазор...

— Буларнинг ҳаммаси сўнгги йилларда бунёд этилди, — изоҳ берди Абдувоҳид Усанов қандайдир ифтихор билан. У жонажон қишлоғининг гуллаб-яшнашида ўзининг ҳам озми-кўпми ҳиссаси борлигидан мамнунлигини яширолмасди.

Ҳақиқатан қишлоқ чиройи ҳар қандай кишини оҳанрабодек ўзига маҳлиё этарди. Шунда, нуфузли меҳмонлардан бири айтганидек, яхшилик дунёга келганида бор бисотини Бахмалга ташлаб кетмаганини, аксинча, бунинг сабаби совхозда иш услуби такомиллаштирилгани, ташаббускорлик томон кескин бурилиш қилингани, меҳнат аҳлига нисбатан талабчанлик оширилаётгани — айни шулар одамларга ғамхўрлик кўрсатиш билан қўшиб олиб борилаётганида эканлигини англадим. Зеро, инсон омили моҳиятини ошириш партия сиёсатининг бош мақсади — одамлар тўғрисида ҳар томонлама меҳрибонлик қилиш, халқ фаровонлигини муттасил юксалтириш билан чамбарчас боғланган.

— Чорвадор ишчи сингари саккиз соат ишлагач, сурувни қўрага қамаб ёки бузоқ ҳамда бўрдоқиларни молхонага ташлаб нарига кетолмайди, — директор сўзида давом этади. — Шанба ва якшанба дам олиш кунлари эканлигини ҳатто тасаввур этолмайди. Шу боисдан фермаларда, чорвадорлар уйида, чўпонлар хонадони ва посёлкада яхши дам олиш имконияти бўлмоғи, социал, маданий-маиший эҳтиёжлар тўла таъминланмоғи лозим. Бизда бу борада ҳали анча камчиликлар бор. Қишлоқларимиз газлаштирилмаган, водопровод қувури янгиланиши, иситиш тармоғи такомиллаштирилиши керак. Булар эътиборимизда турибди: шу йилнинг охири ва келгуси йилнинг бошида амалга оширилади. Аммо 500 ўринли клуб, 50 ўринли касалхона қурилиши икки йилдан бери пайсалга солинмоқда. Биринчисининг лойиҳаси тайёр бўлса-да, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими бир миллион 200 минг сўм маблағни ажратмаяпти.

## ИСТИҚБОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

1990 йилга бориб совхозда қорамоллар сони 7.100, жумладан сигирлар 2.309 бошга кўпаяди. Ҳар қорамолнинг тирик вазнини 450, қўйларнинг семизлигини 60 килограммга етказиш ҳисобига давлатга 810 тонна гўшт тортиқ қилинади. Республика хўжаликларига 1.000 бош наслли буқа сотилади. Айни пайтда совхознинг ўзида қорамолнинг «Бахмал» зоти яратилиб 1.930 та бузоқ олинади. Бунинг учун 28.220 озуқа бирлиги бўлиши, шундан 17 минг 525 озуқа бирлиги дала ва яйловларда тайёрланиши керак. Шу мақсадда 500 гектар ер ўзлаштирилади, суғориладиган майдонларда алмашлаб экиш тўлиқ жорий қилинади. Бунда беда айниқса биринчи ўринга қўйилади. Негаки, у бўлмаса сут ҳам, гўшт ҳам бўлмайди, ернинг унумдорлиги ҳам ошмайди.

Хўжалик усулида янги молхоналар қуриш давом эттирилади, эскилари таъмирланади. Қорамолларга озуқа бериш, суғориш тўласинча механизация зиммасига юклатилади. Фермаларда иш тартиби қайта қурилади.

Муддаога юқори унумли астойдил меҳнат, уюшқоқлик, раҳбар кадрлар, мутахассислар, ҳар бир чорвадорнинг топширилган иш учун жавобгарлигини ошириш, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, ферма меҳнаткашлари ҳақида тегишли ғамхўрлик қилиш билан, ҳаракат бирлиги билангина эришиш мумкин. Ана шунда қайта қуриш жараёнининг ютуқлари янада салмоқли бўлади. Маъмурият ва партия комитети меҳнат аҳлини истиқболнинг шу ойдин йўлидан дадил бошлаб бораётирлар.

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# Оқшом файзи

Дам олиш саҳифаси

## Газетхон илҳоми

## ОҚСАНУ ПОКСАН

Пахтам, оқсан сутдан, тоғлар қоридан,
Оқроқсан мен билган оқлар баридан.
Поклик рамзи, сўзла, қайдан олгансан,
Сувданми, ҳаводан ё ер қаъридан!

Келин сийнасида гўдакка насиб
Этмаган сутидан олдингми тусни!
Кун бўйи мурғаклар ризқини кесиб,
Қурбон-ку оналар соғлиги, ҳусни.

Даҳшатдан оқарган бошдаги сочдек
Она ер сени деб заҳар ютганда,
Қумлар симирганда абадий очдек
Сир, Аму сувини Орол кутганда.

Балки бўягандир миллион тонна оқ,
Денгиз этагидан тўзғиган тузлар,
Шўр ерлар, қақшаган, бефайз ва чанқоқ,
Армонли, сермеҳнат, беҳосил кузлар...

Миллион йил қилинган фидойи меҳнат,
Деҳқон чеккан азоб, буюк машаққат —
Эвазига сенга бу рангни балки,
Туҳфа қилганмикан она табиат!!

Ҳикматилла ЭРМАТОВ,
врач.

## НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?

### САНСОЛАРЧИЛИК

Сансоларчилик деб, одамлар илтимосига совуққонлик билан қараб, уларни идорама-идора тентиратишга қарата айтилиши ҳаммага аён. Лекин унинг тарихи-чи?

Ўтмиш бюрократизмидан қолиб келаётган бу иборанинг асл шакл-шамойили, маъно-моҳияти қуйидагича. «Солар» сўзи аслида «солор» бўлиб, бу форс-тожикча «бошлиқ», «лашкарбоши», «амалдор» демакдир. Яна «сипоҳ-солор»и ҳам борки, бу «бош саркарда», «раис» дегани.

Чунончи: **«Жаҳон солори борди бу жаҳондин»**, яъни жаҳоннинг саркардаси ҳам ўтиб кетди бу оламдан. («Хусрав ва Ширин»дан).

Тарихий воқеа. Икки солор (амалдор) отда кета туриб, анчадан сўнг чарчаб, ўзларига дам бериш ва отларга беда едириш учун бир дала ҳовлиси олдида тўхташади. Отларни қозиқларга боғлаб, юзма-юз ёнбошлашишади. Ён-атрофда одам зоти кўринмайди, лекин шундоқ яқинларида беда уюми бор эди. Аммо, улардан ҳеч бири ўшандан олиб келиб отлар олдига солишга бўйни ёр бермай:

**Сан солору ман солор,**
**Отга ўтни ким солар?! —**

деб ётаверадилар.

Шу-шу айни гап эл оғзида нақлга айланиб кетади. «Сансолорлик» эса шу нақлнинг қисқарган шаклидир.

Бундан яна шуниси ҳам аён бўладики, тарихан «сансолор» яъни «сен амалдор» сўзидаги сўнгги «о» товуши талаффузда «а»лашиб «сансолар» бўлиб кетган.

Хуллас, тўрачиликка қарши кураш ҳамма ерда энди ленинчасига олиб бориларкан, бу билан қайта қуришнинг бош омилларидан бири, балки биринчиси, ҳал этилган бўлади. Шунда барча эзгуликларга тобора кенг йўл ҳам очилаверади.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ.

## ҚАДИМИЙ САНЪАТГА ШАЙДО

«Оразибон» ансамбли концертига бир кирган одам қадимий Хоразм диёрига саёҳат қилгандай бўлади. Саҳнада ифодаланган деҳқоннинг оғир қўл меҳнати, иффатли шарқ қизининг иболи боқишлари, содда, беғараз юмор томошабинни ўзига ром этади.

Фольклор-этнографик ансамблга бундай ном қўйилиши бежиз эмас. «Оразибон» — қадимий гўзал халқ рақсларидан бири.

Бадиий коллективга оғзаки ижод билимдони, Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Раҳимов раҳбарлик қилади. Таниқли санъаткор ўз атрофига халқ урф-одатлари, қўшиқ ва рақсларини севган йигирма нафар қарияни тўплади.

— Томошабин чиқишларимизни олқишлагани сари ўзимизни ёшараётгандай ҳис этаяпмиз, — дейишади санъатсевар ветеранлар. — Мақсадимиз замондошларимизни, айниқса ёшларимизни қадимий халқ қўшиқ ва рақслари анъаналари руҳида тарбиялашдир.

Ансамблнинг ташкил этилганига бор-йўғи уч йил бўлди. Аммо унинг довруғи республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Коллектив Москвада, халқ ижодиёти Бутуниттифоқ II фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, лауреат бўлиб қайтди.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Раҳимов (чапда) ва 92 ёшли Яхшимурод ота Ашуров. 2. Ансамбль солистлари «Лачак» вокал-хореографик сюитасини ижро этишмоқда.

Қ. ОТАЕВ фотолари.
(ЎзТАГ).





## ТУЗОҚ

### ҲИКОЯ

Бу йил қиш ҳар галгидан эрта тушди. Сирдарё қирғоқлари яна қушлар галаси билан тўлди. Улар орасида кулранг тусли она ўрдак ҳам бор. Ана у иккита палапон боласи билан юқорига кўтарилди, айланиб атрофни кузатди: дарёнинг у ер, бу ерида емиш излаётган чуррак, ўрдакларни кўрди. Кейин болалари билан қўнишга жой ахтарди. Оролча қирғоғига тушса бўлади. Сувга қараб пастларкан, палапонларига чўзиб-чўзиб овоз берди. Болалари ҳам қанот кериб, она ўрдак изидан шўнғишди. Қирғоқда сув ўтлари мўллиги учун бир пасда қоринлари тўйди, энди сувда ўйнай бошлашди.

Нимадир шитирлади. Шарпани она ўрдак биринчи бўлиб сезди-да, зудлик билан қанотларини қоқиб, «учамиз» дегандек болаларини огоҳлантирди. Бўйнини олдига чўзганича осмонга интилди. Ҳали улар бир мўлжалга кўтарилиб улгурмаслариданоқ нақ пастдан нимадир гумбурлади ва ёнларидан визиллаб алланарса ўтгандек бўлди. Она ўрдак хавотирланиб палапонларига қаради, улар бир маромда қанот қоқиб, ёнма-ён учиб келишарди: хайрият!

Хавф ортда қолди... Кечга яқин она ўрдак болалари билан яна дарё устида пайдо бўлди. Улар соҳилни айланиб, қадрдон қирғоққа тушдилар. Ғозлар, чурраклар, ўрдаклар сув сатҳида шўх чуғурлашиб сузишарди. Улар ҳам ана шу даврага шўнғиб кетдилар.

Кечқурун дарё қирғоғида қамишлар орасида қушлар галаси билан кулранг ўрдак ва болалари ҳам тунаб қолишди. Кечаси бошланган қор авжга чиқар, совуқнинг шашти бироз босилгандек, ҳаво илиқ эди. Она ўрдак жигарбандлари билан осмонга интилди. Жануб томонда қуёшнинг қизғиш нурлари булут ва туман орасидан кўринди. Улар ўша томонга дадил интилдилар. Анча йўл босишди. Ёш ўрдакчаларнинг ҳаракатлари сал сусайди. Она ўрдак болалари чарчаганини сезиб, қанотларини кейг ёйди, ҳаракатсиз қўйиб берди — бу ҳолатда ўрдаклар жуда яхши дам олишар, ҳорғинликни шундай қилиб енгишарди...

Мана, манзилга қайтишмоқда, энди шошилишнинг ҳожати йўқ, бугунча шу машқ етарли. Кечагина ям-яшил бўлиб турган дарё бўйи бугун оппоқ қорга бурканган.

Пастда ёш ўрдакчанинг фарёди эшитилгандек бўлди, кулранг жонивор қирғоққа синчков назар ташлади. Онанинг сезгилари алдамаган эди. Қирғоқдаги қамишлар ёнида икки ўрдакча «нола» қиларди. У илтижоли чирқираётган ўрдакчалар олдидан бефарқ ўтиб кетолмади. Палапонларига «учаверинглар», дегандек тез-тез қанот қоқди-ю ўзи қирғоқ томон пастлай бошлади. Оқимнинг қаршисига тушган кулранг ўрдак, нола қилаётганлар томон сузиб кетди. «Нажот кутаётган»ларга етай деб қолганда, ҳозиргина зор қақшаб фарёд чекаётган ўрдакчалар негадир бир-бирига қараб қирғоқ сари интилдилар.

Она ўрдак ҳайрон бўлиб қолди. «Нола» чеккан ўрдакчалар гўё хавф-хатардан қутулгандек эдилар. Бу пайт кулранг ўрдак ҳалиги жойга бориб қолганди. Шундагина у алданганини, тузоққа илинганини сезди. Ҳайҳот, ўрдакчаларнинг оёқлари боғланган, қанот патлари юлинган эдилар.

Ички бир нидо билан кўкка интилди. Шу пайт отилган ўқ овозидан еру осмон титради. Она ўрдакнинг юрагини нимадир тирнаб ўтгандек бўлди. Унинг ҳаракатлари сусайди. Охирги марта болалари учиб кетган томонга назар ташлади...

Бир гала ўрдаклар ҳамон осмонни тўлдириб учиб кетишмоқда эди. Болаларими, бошқалармми кўзи илғай олмади.

...Энди қанот қоқишга ҳам мажоли қолмади. Ҳозиргина ўзи сузган сувга йиқилди, сув уни ўз оғушига олди.

Мансур ИНОМХОНОВ.

## КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

### БУЛОҚЛАРНИНГ СИРИ БОРМИ?

Бу саволга «Меҳнат» нашриётида яқиндагина чоп этилган «Сирли булоқлар» китобидан жавоб топасиз. Етук географ олимлар В. Ковалев ва Л. Калабугин қаламларига мансуб бу асарда булоқларнинг пайдо бўлиши, тузилиши, турлари ва хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда чашма сувларининг химиявий-биологик таркиби, шифобахшлик хусусиятлари ҳақида гапирилиб, улардан тўғри фойдаланиш юзасидан маслаҳатлар берилади.

Жумладан, «Булоқлар ҳақида нималарни билиш қизиқроқ?», «Булоқларнинг сув сарфи ҳақида», «Еростн сувларининг аралашма моддалари» каби боблар сўнгида диний тушунчалар инкор этилиб, илм-фан томонидан исботланган назариялар илгари сурилади.

Шунингдек, «Булоқлар ва еросги сувларидан фойдаланиш» бобида республикамиздаги булоқлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида фикр юритилган.

И. ҲУВАЙТОВ.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

### ПОЧТАЛЬОНЛАР УЧУН... ТУППОНЧА

Америка Қўшма Штатларида почтальонларга итлар тез-тез ҳужум қилиб туришади. Шу боисдан конструкторлар яратган тўппончага ўхшаш «Скрам» прибори итлардан ҳимояланишда хат-хабар тарқатувчиларга катта ёрдам беради. Тугмача босилганда унинг ичидан чиқувчи баланд какофоник овозлар ҳайвонларни гаранг қилиб ва қўрқитибгина қолмай, балки уларни бошқа томонга чалғитади.

### ҚЎЙЛАР ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

Боннда «Қўйларни ижарага бериш бўйича ҳамкорлик» деган антиқа корхона рўйхатга олинди. Аэропорт, парк, хиёбонларнинг маъмуриятлари, катта боғ эгалари ва шунга ўхшашлар вақтинча олган қўйлардан «жонли ўт ўрувчилар» сифатида фойдаланиладн. Бу атрофни, айниқса паст-баланд боғ ва ҳовлиларни ўтдан тозалашда техникага нисбатан анча арзонга тушади.

### ЭНГ УЗУН ПИРОЖНОЕ

Хельсинкидаги пазандалар билим юртларидан бирининг ўқувчилари қўшни мамлакат — Швецияда узунлиги 800 метрли пирожное тайёрланишини эшитиб, бу рекордни 200 метр узайтиришга қарор қилишди. Улар бир километрли пирожное пиширдилар. Уни тайёрлашда 158 киши қатнашди, масаллиғига 575 килограмм тухум сариғи, 300 килограмм ёғ, 200 килограмм шоколад ва 6 минг килограмм олча ишлатилди. Дунёда энг узун ҳисобланган бу пирожное сотилиб, ундан тушган пул Финляндиядаги гиёҳвандликка қарши кураш Қизил кресть фондига топширилди.

### АЛДАШ ЭВИ БИЛАН-ДА

Англиядаги чиқадиган кўпгина газеталар бир машина ҳайдовчини якдиллик билан «Мавсумнинг энг катта ёлғончиси» деб аташди. Полиция тезликни оширгани учун уни тўхтатганда шофёр қасам ичиб шундай деган: кабина ичини шу қадар қалин туман қоплагандики, ҳатто спидометр кўрсаткичини кўриб бўлмади.

## АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Бундан буён Самарқанд меҳмонларини Шарқ календари бўйича бошланган янги йилнинг рамзи ҳисобланган афсонавий аждаҳо табриклаб кутиб олади. Буюк ипак йўли ўтган Тошкент кўчасида ана шу афсонавий ҳайвон қиёфаси гавдалантирилди. Шаҳар тарихий қисмида ўрта аср архитектура ёдгорликлари яқинидаги бу кўча бўйлаб ёдгорликларга мослаб безатилган совға дўконлари жойлашди. Дўконларда халқ усталари — кулоллар, тўқувчилар ва мисгарлар, зардўзлар ва заргарлар ясаган буюмлар билан савдо қилинади. Туристлар донгдор усталарнинг анъаналарини давом эттираётган замонавий усталар ясаган буюмларни жон-дилдан харид қилмоқдалар.

Самарқанд архитекторлари Регистон, Шоҳи Зинда, Бибихоним мадрасаси ансамбллари атрофидаги тор кўчалар, ҳунармандларнинг устахоналари, маҳаллалар билан биргаликда сақлаб қолиш ҳақида таклиф киритган эдилар. Шаҳар тарихий қисмига оро беришдаги бу янгилик архитекторлар лойиҳасининг бир қисмидир. Архитектура ёдгорликлари билан ёнма-ён жойлашган маҳаллаларда аҳоли ўз дидларига мослаб уй-жойларини қайта қураётганлиги, бунда умумий уйғунликни хаёлига ҳам келтирмаётганлиги режани амалга оширишни мушкуллаштирарди. Меъморлар ўз миқёслари билан архитектура ёдгорликларидан катта фарқ қилмайдиган, шаҳар тарихий қисми яхлитлигига зарар етказмайдиган каркасли бинолар қурилишини талаб этдилар.

Самарқандликларнинг лойиҳаси СССР Архитекторлар союзи ўтказган Бутуниттифоқ конкурсида иккинчи даражали дипломга сазовор бўлди. Бу лойиҳа ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширила бошлади.

— Мақсадимиз — аждодларимиз яратган барча қадриятларни сақлаб қолишдир, — деди Самарқанд шаҳар бош архитектори Неъматжон Содиқов.

Ҳайкалтарошлик композициялари, ажойиб ҳовузлар, чойхоналар, ҳунармандларнинг устахоналари, дўконлар кўҳна ёдгорликларга мос тушадиган ғиштлар билан безатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси шаҳарнинг тарихий қисми кўринишига мос бўлиб, ўзига хос муҳитни вужудга келтиради.

Л. ТОКАРЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

## БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Гап ташмачилар ҳақида кетганда бир киши ёнидаги ҳамроҳига деди:

— Эшитишимча, сизнинг фабрикангизга кираверишдаги йўлакда қоровул цех бошлиғини қўлга туширибди. Кейин уни дарҳол ишдан бўшатиб юборишибди. Ташмачига ана шундай жазо бериш керак.

Ҳамроҳи деди:

— Сиз нималар деяпсиз! Ташмачи цех бошлиғини эмас, шўринг қурғур қоровулни ишдан бўшатишди!..

●

Бир аёл ўз танишига нолиб деди:

— Эрим шунақаям ишёқмаски, асти қўяверасиз...

— Наҳотки, шундай бўлса?

— Биласизми, у кўпроқ бекор санқиб юриш учун ҳар куни эрталаб соат бешда туриб, кўчага чиқиб кетади.

●

Габроволикникига танишларидан бири меҳмон бўлиб келди. Суҳбатлашиб ўтиришаркан, у қизиқсиниб сўради:

— Эшитишимча, автомобиль ютиб олганмишсан. Бу қандай содир бўлди?

— Жўнгина, — дея жавоб қилди габроволик мезбон. — Лотерея билети сотиб олдим-да, ютдим.

Шунда меҳмон ҳайратдан ёқа ушлаб деди:

— Буни қара-я, сен ҳар қалай лотерея билети сотиб олибсан-да, ўлма!

●

Бир йигит дўстини учратиб қолиб ажабланди:

— Юз-кўзларингдаги моматалоқ қаёқдан пайдо бўлиб қолди?

Дўсти қўл силтаб жавоб қилди:

— Мирқосимнинг чаккасига бир туширгандим, у қайтимини берди.

— Бай-бай-бай, мен сенга айтгандим-ку, Мирқосим ҳазилни тушунмайди деб!

Тўпловчи Т. МАҲМУДОВ.

## КРОССВОРД



БЎЙИГА: 1. Озодлик ороли. 2. Ҳаё. 3. Оғирлик бирлиги. 4. Марта. 8. Авлод. 11. Обрўли шахс. 13. Қариндош. 16. Асарнинг айрим қисми. 17. Эстон совет хонандаси. 18. Италия пойтахти. 19. Африкадаги дарё. 22. Тукли мовут. 25. Виждон. 27. Ғулом Зафарий операси. 31. Эркин, ҳур. 33. Мақом номи.

ЭНИГА: 5. Обод бўлган жой. 6. Ўғил ёки қизнинг фарзанди. 7. Оқланган дон, ёрма. 9. Ўрмон йиртқич ҳайвони. 14. Дам олиш муассасаси. 16. Баҳосиз, жуда ҳам қимматли. 17. Халқаро шахмат соврини. 18. Хушбўй ўсимлик. 20. Чолғу асбоблари учун ёзилган музика асари. 21. Юксак бурч. 23. Бироз, салгина. 24. Барно аёл, нозанин. 25. Мўлжалланган марра. 28. Геометрик жисм. 30. Спорт костюми. 31. Охир, натижа. 33. Мураккаб сюжетли асар. 34. Ўз сўзида қатъий турувчи. 35. Яхши фазилатни билдирувчи сўз.

ЧАПГА: 10. Қаттиқ тоғ жинси. 12. Ёзув қуроли. 15. Иззат Султон драмаси. 29. Истак, хоҳиш. 32. Нур тўлқини. 33. Ёруғ, ёрқин.

ЎНГГА: 25. Қирғиз халқ эпоси. 32. Кичик қўл чироғи.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

## РАССОМ ХАНДАСИ




Бугун — мудирнинг туғилган куни.




Алдагани бола яхши.

М. ЖЎРАЕВ расмлари.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 02552. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 1015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12